

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ВАТАН ИЧИДАГИ ВАТАН

Шарқ, хусусан ўрта Осиё халқларининг фарбликлардан фарқ қиладиган бир хусусияти борки, улар азалдан жамоа бўлиб яшаган. Улар кўни-кўшилар билан муносабатсиз ҳаётни тасаввур қилолмаган. Ана шу яшаш тарзи одамларни бир-бирига яқинлаштирган, ўзаро меҳр-оқибатни уйғотган. Шу билан бирга яхшилик қилиш, эзгуликка интилишга ўргатган.

Фақатгина халқимизга хос бўлган етим-есирларни бошини силаш, бевабечора, ногиронларга ёрдам қилини чўзиш, мусофирларга саховат кўрсатиш каби инсоний фазилатлар ана шу шароитда шаклланди. Бугун эса маҳаллалар мисолида янада мустаҳкамланмоқда.

Маҳаллага бобомиз Алишер Навоий ўзининг "Ҳайрат ул-аброр" асаридида "Маҳалла – шаҳар ичидаги шаҳарчалардир" деб таъриф берган. Дарҳақиқат, у Ватан ичидаги Ватан. Инсонийлик, одамийлик, чинакам миллий қадриятлар гўшаси, тарбия ўчоғидир.

Президентимиз маҳалланинг фарзанд тарбиясида тугган ўрни хусусида тўхталиб: "Маҳалла камдан-кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, эл-юртимиз тинчлиги ва



осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда муҳим роль ўйнаб келмоқда" деган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Буни Қибрай туманидаги "Нурафшон" маҳалласи мисолида яққол кўриш мумкин.

– Эъзозхон ота-она-

дан эрта етим қолди, – деди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Васида Мах-

мудова. – Бувисининг қарамоғида қолган қизча 8 ёш бўлибди ҳамки, мактабга чиқмади.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: О. Алимов неваралари даврасида.

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

УЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

Вилоят қасаба уюшмалари кенгаши "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурига мувофиқ, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«АЙРОНЧИЮ ШАРБАТЧИ ҲАМ ТАДБИРКОРМИ?»

Газетанинг 2015 йил 20 июндаги 49-сонидида чоп этилган "Айрончию шарбатчи ҳам тадбиркорми?" сарлавҳали танқидий мақола туман ҳокимлигида мутасадди раҳбарлар иштирокида муҳокама қилиниб, газетада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоратадбирлар ишлаб чиқилди.

Туман ДСЭН маркази томонидан "Истиқлол" деҳқон бозори ва автомагистраль йўл ёқаларида ўрик шарбати, айрон, салқин ичимликлар (морс) сотувчиларни назорат қилиш учун мутахассислар буйруқ асосида бириктирилди. Туман ДСЭН мутахассиси Н. Ражабов, ДСИ ходимлари А. Мухторхўжаев, Б. Иномов, У. Холиқовлар билан қўшма рейд ўтказилиб, фуқаро С. Абдуллаевдан 50 литр, А. Йўлдошевдан 15 литр, Х. Муҳаммадиевандан 100 литр,

Ф. Ҳасановдан 50 литр, М. Тоштаевдан 15 литр, Т. Асрақуловдан 15 литр уй шароитида тайёрланган морс маҳсулотлари олиб қўйилиб, тўкиб ташланди (йўқ қилинди). Ушбу фуқароларга нисбатан бир минимал ойлик иш ҳақи ҳисобида жарима солинди. Бундан ташқари, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2015 йил 1 июндаги 72-хс сонли буйруғига асосан ноқонуний фаолият кўрсатган фуқароларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар туман жиноят ишлари бўйича судига тегишли чоралар кўриш учун тақдим этилди.

Келгусида бу каби муаммо ва камчиликлар такрорланмаслиги юзасидан туман ҳокимлиги, туман Давлат солиқ инспекцияси, туман ДСЭНМ ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар томонидан доимий назорат ўрнатилди. Д. СУЛТОНОВ, Бўка тумани ҳокими.

ЧИРЧИҚЛИК КЕКСАЛАР ЗИЁРАТДА

Чирчиқ шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан муқаддас қадамжоларга зиёрат дастурини ишлаб чиқиб, барча

маҳаллалардан йил давомида 960 га яқин кекса отахон-онахонларни Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга олиб чиқишни режалаштирган.



Депутат минбари

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида ижтимоий-маданий соҳаларда йўл қўйилган камчилик ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратилиб, депутатларнинг фаолигини ошириш, махсус ишчи гуруҳлари ҳар бир туман ва шаҳардаги аҳолини чуқур ўрганиш, аиникса, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятида юзага келаётган жиддий нуқсонлар ва уларнинг сабабларини доимий комиссиялар йиғилишларида таҳлилий муҳокама қилиш ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Шу топшириққа асосан Кенгашнинг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси "Куйи Чирчиқ ва Чиноз туманларидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг иссиқ овқат билан таъминланиши, жумладан умумий ўрта таълим мактабларида ошхона фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш" масаласини ўрганди.

Хар томонлама соғлом, баркамол ва бахтли авлодни тарбиялаш тинч, осойишта, келажаги буюк давлат барпо этишнинг энг асосий шартларидан биридир. Афсуски, ту-

маҳаллалардан йил давомида 960 га яқин кекса отахон-онахонларни Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга олиб чиқишни режалаштирган.

Хозиргача "Маданият", "Иқбол", "Гулистон", "Муруват", "Гулзор", "Бахт", "Аҳмад Яссавий" маҳаллалари қариялари Зангиота мажмуаси, Самарқанд шаҳри ва Шохимардон қадамжоларига саёҳат қилдилар.

Ҳайдар Мақсудов МФЙ раиси Ботир Давронов раҳбарлигида Зангиота зиёратгоҳига саёҳат ташкил этилди. – Маҳалламиз фуқаролари жуда аҳил, ҳамма тадбирларни улар билан маслаҳатлашиб ўтказамиз, – дейди Ботир Давронов. – Хозир август ойида Наманганда ўтадиган анъанавий гуллар байрами зиёратига тайёргарлик кўраямиз.

– Бугунги саёҳат мен учун энг унутилмас воқеага айланди, – дейди чирчиқлик Эргаш Зуфаров. – Аиникса, қайта таъмирланган Зангиота зиёратгоҳи, янги қурилган "Минор" масжидини кўришни ният қилиб юрган эдим. Шу кунларга етганимга шукр қиламан.

Муқаддас ҒУЛОМОВА, Даврон АХМАД олган сурат.

ШУНЧАКИ КАМЧИЛИК ЭМАС!

ассасалар фаолиятидаги жиддий камчиликларнинг яна бир сабабини ёшларнинг соғлом ўсиши ҳамда замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун яратиб берилган имкониятлардан етарли фойдаланилмаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Айрим соҳа мутасаддилари туман раҳбарлари атрофида жипслашди, муаммоларга биргаликда ечим излаш ўрнига, эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб, ўзига қулай шароит ва тартиб-қоидаларни яратишга уринаётганлари хато ва камчиликлар янада чуқур илди-

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга Тошкент вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ ТАЙИН

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўта-

ришга хизмат қилмоқда. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасидан маълум қилишларича, касб-хунар коллежларида таълим сифатини ошириш мақсадига марказ хузурида махсус методик хизмат ташкил этилган.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

Бугунги мураккаб замонда ҳар бир инсон мустақил фикрга, соғлом дунёқараш ва иродага эга бўлиши, даврлар синовидан ўтган миллий қадриятларимизга таяниб иш кўриши лозим. Акс ҳолда, турли маънавий таҳдидлар, бузғунчи гоялар таъсирига тушиб қолиши ва охири-оқибати оғир ношуликлар гирдобидан чиқа олмаслиги мумкин.

ФАРЗАНДИГИЗ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Бугунги глобаллашув шароитида бу, аиникса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки турли "қуч"ларнинг ёшлар онги ва қалбини эгаллаш, келажақ-

да улардан ўзларининг гаразли мақсад ва ниятлари йўлида фойдаланиш каби хатти-ҳаракатлари тобора авж олиб бормоқда.

(Давоми 4-бетда).

Қонун кучга кирди

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар инсон учун, унинг соғлом ва фаровон турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилгани билан беқиёс аҳамият касб этади. Хусусан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, ушбу мақсадда қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур соҳага оид қонун ҳужжатлари давр талабидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётган. Аҳоли ўртасида йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган жиддий хасталикларнинг олдини олишга йўналтирилган "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонун шулар жумласидандир.

Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатдики, ушбу муаммонинг ечимини самарали ҳал этиш ва йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олишда ош тузини йодлашни кўзда тутати-

ган яхлит қонун ҳужжатини қабул қилиш жуда муҳим. Чунки йод танқислиги ҳолатларининг олдини олишда энг самарали усуллардан бири йодланган ош тузини истеъмол қилиш ҳисобланади.


(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ ТАЙИН

Марказ ходимлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолиятини таҳлил этади, таълим ва турли тармоқ стандартларига риоя этилишини назорат қилади. Ўқув режаларини мониторинг қилади, барча зарур асбоб-ускуналар, ўқув қўлланмалари, дарслик ва бошқа ўқув адабиётлари билан таъминланганини текширади. Таълим жараёни самарадорлиги ва битирувчиларни иш билан таъминлашга қай даражада йўналтирилганини баҳолайди, касб-хунар коллежлари раҳбариятига "ўқитиш – ишлаб чиқариш" тамойили бўйича узлуксиз тизимни яратиш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ўз тавсия ва таклифларини беради.



шартнома имзоланган. Маълумотларга кўра, жорий йилда Олмалик шаҳридаги махжуд олитта касб-хунар коллежини 3 мингдан зиёд йигит-қиз битиради. Уларнинг 2 минг 900 нафари шаҳардаги корхона ва ташкилотларда ўзлари эгаллаган мутахассислик бўйича ишга жойлашмоқда. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, иш берувчи корхона ва

ташкilotлар, тижорат банклари вакиллари ҳамда ота-оналар иштирокида ўтказилаётган урчулларда ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича қилинаётган ишлар ҳусусида сўз юритилмоқда. Тумандаги корхона ва ташкilotлардаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар берилиб, ўз бизнесини йўлга қўйиш истagini билдирган битирувчиларга тижорат банклари

томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши, бу борадаги тартиб-қоидалар тушунтирилади. Экспертларнинг фикрича, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш юзлаб йигит-қизларни иш билан таъминлашга ёрдам бермоқда. – Биз ҳам бор эътиборимизни коллеж ўқувчиларининг юқори салоҳиятли кадрлар бўлиб етишиши ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга

қаратмоқдамиз, – дейди Олмалик кончилик касб-хунар коллежининг директори Гулчехра Эгамназарова. – Битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида 2014-2015 ўқув йили давомида йигирмага яқин бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Корхона ва ташкilotларни турдош коллежларга бириктириш, битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти ва кейинчалик ишга жойлашувини таъминлаш мақсадида "коллег-корхона" ҳамкорлиги йўлга қўйилгани ёшларни ишлаб чиқариш ўқув амалиётига жалб этиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Олмалик кончилик касб-хунар коллежини бу йил 743 ўғил-қиз битирмоқда. Ўн мутахассислик бўйича ўқишни тамомлаётган бу ёшларнинг асосий қисми ишга кириш учун уш тизимда шартнома имзоланган. – Шаҳримиздаги конметаллургия комбинатига қарашли корхоналардан бирида амалиёт ўтаб, етарлича кўникмага эга бўлдим, – дейди мазкур коллеж битирувчиси Хуснора Мустафоқуллова. – Уйимизга яқин корхонада меҳнат қилиш менга ҳар жиҳатдан маъқул. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлаш учун шартнома тўздим. **Б. ҲИДОЯТОВ,** ЎЗА мухбири.

ВАТАН ИЧИДАГИ ВАТАН

Рассомчиликка қизиқарди чоғи кўча деворларига расм соларди. Маҳалламиз фаоллари билан маслаҳатлашиб, қизни мактабга жойладик, кейинчалик касб-хунар коллежиди ҳам ўқиди. Эъзозхоннинг тўйида ҳам ўзимиз бошқоқ бўлиб, бировдан кам қилмай узатдик. Ҳозир пойтахтда яшайпти. Яқинда қайнонасини кўрган дим: "Тез орада неварлик бўламан" деб, бизни кувонтирди.

Демак, "Маҳалла – ҳам ота, ҳам она" деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Мустақиллик йилларида маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди. "Маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Бу – маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди. **Бугун биз фарзанд**

тарбияси, уларнинг билим олиб, касб-хунар эгаллашларида, эрта никоҳ, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат, маросимларни ихчам ва тартибли ўтказишда кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз.

– Ўтган олти ой давомида фуқаролардан 7 та ариза тушди, – деди маҳалланинг яраштириш комиссияси аъзоси Обид ота Алимов. – Шуллардан 5 таси ижобий ҳал қилинди. Қолган иккитаси устида тушунтириш, яраштириш ишларини олиб бораемиз. Бундан ташқари, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасида ҳам айтилган ишларни қилаемиз. Яқинда маҳалладошимиз Ойбек Эгамназаров учинчи қизини узатди. Маҳалла аралашуви билан чорлар, келин салом, куда чакирчилар қисқартирилди. Обид ота билан суҳбатлашар эканмиз, энг аввало, маҳалла фаоллари бошқаларга ўрнатилган бўлишига амин бўлдик. Обид ота ва Мукамбар ая турмуш қуришганига сал-

кам 50 йил бўлди. 3 ўғил, 3 қизни тарбиялаб, вояга етказдилар. "Ёшликдаги жанжаллар бизда ҳам бўлган. Бироқ, ҳаётда оғир, вазмин, сабр-бардошли бўлиш кўп келаркан. Келинларимга ҳам шуни ўргатаман. Аёл ақл-заковати, ширин сўзи-ю латофати билан кўп нарсаларга қудир. Гап бу фазилатларни вақтида, тўғри йўналтири олишда", қўшиб қўйди Мукамбар ая.

Ўғилу келинлар, невар-ю эварлар ардоғидаги Обид ота ва Мукамбар аяга, улар кўрган мустақам оила, обод хонадонга кўпчилик ҳавас қилишини ҳам эшитдик. – Германия, Бельгия, Голландия, Словакия каби кўплаб давлатларда бўлганман, – гапида давом этди ота-хон. – Аммо, ҳеч бирини дауримизда шаклландирган ўзини ўзи бошқариш органи – маҳаллани кўрмадим. Уларда бу ҳақда ҳатто тасаввур, бирор бир тушунча ҳам йўқ... **Ирода НОРБЕКОВА,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қонун кучга кирди

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамалятимизда 2007 йилдан бери "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонун амал қилиб келмоқда. Яқинда ушбу Қонунга киритилган тегишли ўзгариш ва қўшимча кучга кирди. Унга мувофиқ, юртимизда йодланмаган туз ишлаб чиқарилмайди, сотилмайди ва истеъмол қилинмайди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида ҳуқуқий ва ташкилий асосларни яратиш, жумладан, республика аҳолисини тўлиқ йодланган ош тузи билан таъминлаш бўйича зарурий чораларни кўришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида йодланган ош тузини истеъмол қилиш борасида аҳолининг масъулиятини оширади.

Шу билан бирга, аҳолини сифатли йодланган ош тузи билан тўлиқ таъминлаш натижасида йод танқислиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишга, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашга эришилади.

Қонунчиликка киритилган янги ўзгариш ва қўшимча фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида йодланган ош тузи ишлаб чиқариш, сотиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солиш, аҳолига сифатли, бойитилган ош тузини тўлиқ етказиш орқали йод етишмаслиги касалликларининг олдини олишга хизмат қилади.

Биз бугунги кунда давлат ва жамоат ташкilotлари билан бирга ушбу норманинг аҳамиятини жамоатчиликка кенг етказиш, аҳолининг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантираемиз.

Айни пайтда Қонуннинг ижросига дахлдор бўлган ташкilot, муассаса ва идоралар раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш, таълим масканларида, маҳалла-ларда йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси, соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилишга қаратилган ишларни ривожлантириш, бунинг учун аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш заруратидир.

Максуда ВОРИСОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.



Вилоят ҳокимлиги хузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курсида "Аҳоли, айнакса, ёшлар билан ишлашнинг замонавий технологиялари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини вилоят ҳудудий бўлими масъул мутахассислари, ўқув курсига жалб этилган фуқаролар йигинлари ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этган мазкур семинар-

ФАОЛИЯТ ВА САМАРА

тренингда фуқаролар йигини томонидан ўтказилган турли тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этиш, фуқаролар йигини ходимларини жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонун талабларига амал қилишга ўргатиш ва жамоатчилик билан, айнакса, ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятни тўғри ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилади. Тадбир якунида фуқаролар йигини раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, масъул қоғазчилар ва "Маҳалла посбони" жамоатчиликлари фаолиятини яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Зилмаси раҳбарлари фаолиятини самардорлигини оширишга оид тақрир ва тавсиялар ишлаб чиқилди. **Азамат АҲМЕДОВ** олган суратлар.

Жамоатчилик назорат кенгаши

ҲОСИЛ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Республикамиз иқтисодий-тихта хом ашёсининг тугган ўрни бекиёс. Шунинг учун чигит экилгандан то пахта тери олингунга қадар бўлган давр муҳим саналиб, гўза парваришида агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида, 5 июндан 5 августгача долзарб 60 кунлик эълон қилинди.

Агротехник тадбирларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш ва махжуд муаммоларни бартараф этишда жойларда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ташаббуслари инобатга олинди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарори билан Жамоатчилик назорати кенгаши ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад пахта ва галла бўйича давлат контрактация шартномаларини сурункали бажармаётган, ери умумдорлигининг пайсизлиги сабаб бўлаётган, агротехник тадбирларни кечикиб бажармаётган фермерларни аниқлаш, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш орқали амалий ёрдам беришдир.

Бундан кўриниб турибдики, Жамоатчилик назорати кенгаши ўтказётган амалий суҳбатлар, чора-тадбирлар ижобий самара бермоқда. Депутат деганда кўз олдимизда халқ билан ҳамнафас, унинг орузи-хотираси билан бир қаторда муаммоларини ҳам бирдек ҳис этувчи, элим-юртим деб ёниб юрнувчи инсон гавдаланади. Шундай экан, бугунги кун депутатларнинг олдига назоратни кучайтириш, халқ фаровонлиги, юрт равнақи йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг олдинги сафларида бўлишдек талабни қўймоқда. Депутатларимиз бунга, албатта, эришадилар.

Мархабо ҚУРБОНОВА, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, МТДП аъзоси.

Депутат минбари

Эски темир қаравотларда икки нафардан бола ноқулай шароитда ухлаётганига гувоҳ бўлдик. Маҳсулот хоналарида поллар чўкиб кетган, айрим гуруҳларда яроқсиз стол-стулардан фойдаланилмоқда.

ШУНЧАКИ КАМЧИЛИК ЭМАС!

ёйма бозори кўчиб келибдими, дейсиз... Бундай ҳолат Чиноз туманидаги 4-мактаб-интернатда ҳам кузатилди. Сил касалликлари билан мулоқотда бўлган болаларни профилактик даволашга мўлжалланган ташаббусида бугунги кунда 1-9-синф ўқувчиларидан 117 нафари соғломлаштирилмоқда. Улар етарли шароитда даволанаётган бўлишса-да, ҳали бир талай камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги кўзга ташланди. Масалан, ётоқхоналарда юмшоқ ва қаттиқ мебел етишмайди. Душхонага махсус резина гиламчалар тўшалмаган, иссиқ сув билан таъминлаш учун "Аристон" мосламалари ўрнатилмаган. Душ-

дан фақат қишки мавсумда қозонхоналар ишлатилган вақтда фойдаланилади. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, мактаб-интернатдаги муаммоларнинг аксарияти лоқайдлик ва эътиборсизлик, совуққонлик оқибатида юзага келмоқда. Бемор болаларга бундай муносабат жиноят билан тенгдир. Буни сийхаттох мактаб-интернати раҳбарияти тушуниб етиши ва ишда ўзгаришлар ясаши шарт.

Ўрганиш давомида кузатилган камчиликларнинг айримларини келтирдик ҳолос. Бу масканларда эртанги кунимиз эгалари таълим-тарбия олмақда. Улар ҳаётига бефарқлик, лоқайдликни кеңибри бўлмайди. Демак, вилоят халқ таълими бошқармаси мактаб ошончалари фаолиятини яхшилашга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши, болаларни иссиқ овқат билан таъминлашдек масъулиятли вазифани осон пул топиш манбаига айлантираётган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриши, бу ҳолатнинг қайта такрорланмаслиги учун вилоятнинг бошқа мактаблари ҳам тизимли ўрганишлар ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. **Зарифа ЭРАЛИЕВА,** доимий комиссия раиси, ишчи гуруҳ раҳбари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қадриятларимиз

Рамазон шариф раҳмат оёи, меҳр-муруват, саховат, илм-маърифат, кут-бароқа оёи бўлиш билан бирга, у Мағфират оёи ҳамдир. Рамазоннинг иккинчи ун кунлигини даҳайи Мағфират деб аталиши беҳиз эмас. Мағфират – кечириб, авф этиш, ярашиш, сулҳ, ўзаро хусумат ва адоватларга барҳам бериш каби маъноларни ўз ичига олади. Ота-боболаримиз қадимдан бу таомилга қатъий амал қилиб келишган. Рамазонда ўзаро

келишмовчилик, гина-кудурат, араву адоватларга чек қўйилган. Қабилла-уруғлар, давлатлар ўртасида бўлиб турган урушлар, жанг-жадаллар тўхтатилган. Ва Рамазон оёи шарофати билан эришилган бундай муваққат тинчлик кўп ҳолларда томонларнинг бир-бирини тушунишига, ўзаро битимлар, сулҳлар имзоланиб, яхши кўшничлик, дўстлик алоқалари ўрнатилишига ҳам сабаб бўлган.

РАМАЗОН – МАҒФИРАТ ОЙИ

Куръони Каримда: **“Авф қилмоғингиз, кунгилни кенг тутмоғингиз ва кечирмоғингиз яхшидур. Албатта Аллоҳ кечирувчи ва раҳмдилдур”**, дейилади. Кечиримлик Парвардигорнинг энг буюк сифатларидан ҳисобланади. У Ўзининг “Ғафур” ва “Раҳим” сифатлари билан бандалари содир этган хатокамчиликларни авф этади. Биз, бандалар ҳам кечиримли бўлишимиз, яқинларимиз, дўсту-биродарларимизнинг майда-чуйда камчилик-қусурларидан кўз юмишимиз, турли зиддият ва низооларга барҳам беришимиз лозим бўлади. Чунки, оиладами, маҳалла-қўйда ми – қаерда дилхиралик

юз берса, ўша ердан фаришталар қочади. Фаришталар ердан эса барака кўтарилари. Ўзаро адоватда, хусуматлашиб юришнинг зарарлари, инсон бошига келтирадиган кулфатлари оғир ва аянчли бўлади.

Нақл қилишларича, бир оилада ахил ва иноқ бўлиб вояга етган ака-укалар ўртасига ота-оналари дунёдан ўтишгач, арзимас бир сабаб билан совуқчилик тушади. Ука ёшлик қилиб, қисқа ўйлайди. Отамерос ҳовли ўртасидан ариқ олади. Ҳовлини ихкига бўлиб, ўз бўлагига ўзи эгалик қилмоқчи бўлади. Бундан ақанинг нафси оғрийди. Ўртада салом-алик барҳам топади. Отамерос уй-жой-

дан файз кета бошлайди, ҳовлининг бағри торайиб боради. Шундай вазиятда бир уста эшик қоқиб келади. Ака унга: “Ҳовлини кесиб ўтган ариқни кўраясизми? Утган ҳафтада укам қавлатди, ўзича ҳовлини ажратиб, ерни чегаралаб қўйди. Сиз эса ҳовлини буткул ажратиш учун ўша ариқ бўйлаб тахтадан тўсиқ қуриб берайсиз”, дейди.

Уста рози бўлиб, ишга киришади. Бирок, ака кўча айланиб келса, уста ариқ ёқалатиб тўсиқ эмас, балки ариқ устига кўприк қурибди. Ақанинг жаҳли чиқиб, койиб тургани устига ука ҳовлига кириб келиб, кўприкка кўзи тушади. Ва ҳам хижолат, ҳам хушнудлик билан ака-

сини бағрига босади. Ундан уэр сўрайди. Улар ярашиб олишганини кўрган уста анжомларини йиғиштира бошлайди. “Э, устажон, қаёққа, – дейди ака хушчақчилик билан, – меҳмонимиз бўлинг!” Уста маъноли жимяди: “Раҳмат, биродарлар, қолломайман. Мен ҳали жуда кўп кўприклар қуришим керак...”

Қиссадан ҳисса шуки, уста ўз иши билан жуда катта савобли амални адо этиди. Ака-укалар орасини ислоҳ қилди. Бунинг эса ажри катта бўлиб, одамларни яраштирган зот Ҳаж савобини қозониши мумкин экан. Зеро, Куръони Каримда: **“Албатта барча мўминлар биродардурлар. Ўз биродар-**

ларингиз орасини ислоҳ қилинг”, дейлади. Албатта, ярашганлар, гина-кудуратдан қутулганлар энгил тортадилар, диллари нурга тўлади. Ярашишга сабаб бўлганлар эса, улардан ҳам кўпроқ мамнуният сезадилар ва улардан ҳам кўпроқ ажра ноил бўладилар. Шундай экан, одамлар ўртасига кўприк солиш, узилган ришталарни боғлашга шошилайлик, азизлар. Айниқса, бундай ишларни Рамазон кунларида қилсак, бошқа ойларидадан ҳам кўпроқ манфаатга эришамиз.

Қолаверса, жамиятда ҳам ижтимоий муносабатларни яхшиловчи фазилатларнинг энг асосийси кечиримликдир. Демак, бу фазилат ҳар биримизда бўлса, бағрикенглик қилсак, одамларни кечириб, улар орасини ислоҳ қилсак, яраштирадик, бу ишимиз билан жамият барқарорлигига, Ватанимиз тинчлигига ва осийшталарига муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Азимжон АЛИМЖОНОВ,
Олмалиқ шаҳар беш имом-хатиби.

Маънавият

ФАРЗАНДИНГИЗ ТАҚДИРИГА
БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Яқинда бир танишим билан рўй берган воқеадан сўнг бунга яна бир бор амин бўлдим. Дунёнинг ўткинчи ҳою-хавасларига алданиб қолган Нилуфар исми ўсмир киз, кичик бир синов олдидан тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйибди...

Ҳаёт шундай қурилганки, яхшиликлар билан бирга муаммолар ҳам биз билан қадам-бақадам юради. Ақлли киши уларни идрок билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Имон-этиқодли инсон қийинчиликларни тақдир синовиде деб билади. Жоҳил, илмсиз кишилар эса барча муаммолардан қутулиш учун ўзга йўлни таллашади ва бу базан фожиа билан тугайди.

Мутахассисларнинг фикрича, бунга йўл қўймаслик учун болаларни “ўйинқароқлик даври”да назоратсиз қолдирмаслик жуда муҳим. Тахлилларга кўра, “ўйинқароқлик даври”нинг энг авжига чиққан пайти – 7-9 синф оралиғида. Кузатишларга кўра, болаларнинг қўлланган ноҳўя хатти-ҳаракатлари шу даврда кўпаяди.

Бунинг асосий сабабларидан бири ота-оналарнинг эътиборсизлигидир. Иш қўлиги ёки бошқа важар билан фарзандига вақт ажрата олмаган ота-она ундан узоқлашиб қолади. Натижада мақсадига эриша олмаслиги, пайда ейтиши ёки ўз-ўзига паст баҳо бериши, ота-онани ва атрофидогилардан кўп гап эшитиши, стресс ҳолатлари, тугма касалликлар туфайли бола ўз ҳаракатларига жавоб бера олмайди. Шунингдек, ҳозирги кунда ёшлар ўртасида энг кўп учрайдиган “муҳаббат

(Давоми. Боши 1-бетда).



можаролари”нинг оқибатлари жуда аянчли бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун аввало ота-оналар, қолаверса, маҳалла, мактаб, коллеж жамоалари, ўқитувчилар эътиборли бўлиши керак. Масаланинг яна бир томони турли беҳаё, жангария, ўлим сахналари кўп бўлган фильмларга бориб тақалади (масалан, “Дневники вампира”, “Сумерки” каби). Бу фильмларда ишлатилган “ўлим, кўркув, қон, севги” (“смерть, страсть, кровь, любовь”) сингари сўзлар инсон онгини захарлайди. Болалар бундай фильмларни қайта-қайта кўриши оқибатида ундаги қаҳрамонларга ўхшашига интилишади. Ўз-ўзини улар онгиде ёмон ўй-хаёллар, фикрлар пайдо бўла бошлайди. Бундай фильмлар фақат болаларга эмас, балки катталарга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ҳўш, бундай ноҳўш ҳолатларнинг олдини олиш учун ота-оналар нима қилишлари керак? Бунинг йўли осон: шунчаки, фарзандингизни тингланг! Унинг фикрини, нималарни хоҳлаётганини ўрганинг. Фойдали машғулотлар билан шуғуллангиринг. Турли спорт тўғрисидаги мунтазам қатнашини таъ-

минланг, эркин ва мустақил фикр юритишига имкон беринг. Ота-она фарзанди учун ҳар доим яхши-ёмон кунда тиргак бўла оладиган дўст, ишончли суҳбатдош бўлиши керак.

Президентимизнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асариде: “Барчамизга аён бўлиши кераки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг оҳиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда хушёрлик ва конюярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”, деб таъкидланган. Шундай экан, ёшларни Ватанга муҳаббат, бой тарихимиз, ота-боболаримиз маънавий меросига хурмат, эътиқодига садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало, уларнинг қалби ва онгиде мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадим ташлайдиган инсонлар бўлиб улғайишсин.

Малика МИРҲАМИДОВА,
ЎЗМУ талабаси.

«Юртимизни обод этамиз!»

ЭКОЛОГИК
АКЦИЯ

Бўстонлик туманидаги “Нихол” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Юртимизни обод этамиз!” шиори остида экологик акция ўтказилди. Экоҳаракат Тошкент шаҳар худудий бўлинимаси ва Тошкент вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва барқамол этиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунали ташкил этиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий, тиббий-ижтимоий ислохотларнинг устувор йўналишини ташкил этади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ёшларнинг экологик билим ва маданиятини ошириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, аτροφ-мухитни муҳофазалашга оид тадбирларда уларнинг фаоллигини кучайтириш, табиатни муҳофазалаш вазифини ҳар бир инсоннинг кундалик фаолиятига айлантиришга йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Юртимизни обод этамиз!” акцияси ана шундай лойиҳалардан биридир. Ундан қўзланган мақсад ёш авлодни она табиат ва унинг неъматларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, аτροφ-мухитни муҳофаза қилиш ишларига кенг жалб қилиш, озодалик ва ободлик каби миллий анъаналаримизни ёшлар онгига сингдиришга ҳисса қўшишдир. Тадбирда мутахассислар ўқувчиларга юртимизда табиатни муҳофазалаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришди. Ёшлар ўзларини ҳизқирган саволларга жавоб олдилар.

Оромгоҳимизда Тошкент шаҳри ва вилоятдан келган бир юз эллик нафар ўқувчи дам олмақда, – дейди директор Иброҳим Норматов. – Муассасамизда таътилни мароқли ташкил этиш учун барча шароит яратилган. Бу ерда ҳар кун турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Ушбу экологик акция ҳам ёшларимизда катта таассурот қолдирди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Ҳордиқ

Айни ёзининг жазирама кунларида Чоқтоқ тоғ тизмалари этагида жойлашган “Сўқоқ” дам олиш уйи янада гавжумлашган. 120 ўринга мўлжалланган масканнинг соя-салқин, сўлим табиати, шиобахш ва мусаффо ҳавоси дам олувчиларнинг жонига ҳузур, дилга ором бахш этмоқда. Айниқса, шошқин соя ва шаршаралар, 7 минг туп арча, 100 туп қайин, яна шунча чинор, 500 дан зиёд мевали дарахтлардан иборат 3 гектарли боғ уларга ҳуш кайфият улашиб, мароқли ҳордиқ чиқаришини таъминлапти.



ЯХШИ СЎЗ ЖОН ОЗИҒИ

Денгиз сатҳидан 1200 метр баландликдаги дам олиш уйи нафақат вилоятимиз, балки республикамизда ҳам анча машҳурдир. – Юртимиздаги кўплаб сиаҳатхорларда бўлганман, – дейди хоразмий Наргиза Асланова. – Аммо, бу ерда ҳар тонг сайроқи кушларнинг хонишиндан завқланиб ўйгоншининг гаши бўлак. Яна тонинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб симираман. Айниқса, сиаҳатхор хизматчиларининг хушмуомаласидан баҳри дилим ёришиб кетади.

Ақил ва иноқ жамоа қулай иқлим шароитларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатишининг энг янги усулларини қўллашга ҳаракат қилмоқда. Муолажа ва уқалаш хоналари керакли усуллар билан жиҳозланган. Дам олувчилар қулай ва шинам ётоқхоналарда яшайдилар. Кутубхона, спорт ва рақс майдончаси мунтазам ишлаб турибди.

– Дам олувчиларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун қулай муҳит яратишга ҳаракат қиламиз, – дейди

сиаҳатхор раҳбари Содик Одилхонов. – Тонг сахардан ҳамма йўлақларни сув пурков машинаси ювиб, муздек қилиб қўяди. Ходимларимиз ҳам дам олувчиларга ширин муомалада бўлишади. Халқимизнинг “Яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз дил қозиғи” мақолига асосланиб иш юритишга ҳаракат қиламиз.

“Сўқоқ” маъмуриятининг Қумушкон ота, Заркент бува, Сўқоқ чамаси ҳамда тоғ ёнбағирлари бўйлаб уюштирадиган саёҳатлари ҳордиқ чиқарувчиларга ўзгача завқ бағишлаб, уларда унитилмас таассурот қолдирапти. Шунингдек, уч маҳал тайёрланаётган мазали таомлар ҳам жуда манзур бўлмоқда.

– Шундай гўзал манзарали жойларда соғлигини тиклаётганимдан хурсандман, – дейди жиззахлик Гулҳаё Икромова. – Бу жойнинг парhez таомлари, турли саёҳатлари маъқул келди. Бундай мафтункор тоғларга боқиб, шу юрт фарзанди эканлигимга шукр қиламан.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.



Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҰИ томонидан қайта рўйхатга олинган “SABOTLY TO‘QUVCHSI” (ИНН 204864673) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Бектемир тумани ТСРҰИ томонидан 14.04.2011 йилда № 001020-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган “MEGA GAZ SERVICE” (ИНН 207116144) МЧЖнинг устав жамгармаси 658 276 727 сўмдан 329 138 034 сўм 225 тийинга камайишини маълум қилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99893) 577-10-48 телефон рақами орқали қабул қилинади.

“KOMPOZIT ARSENAL STROY” МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор Расулева Нилуфар Закировнага тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

“FARUS PARTNERS” МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамгаси йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҰИ томонидан 10.06.2011 йилда № 006754-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган “NEW SUNRISE PHARMA” МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҰИ томонидан 29.01.2008 йилда № 003486-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган “YUJNIIY-LIDER” МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома ҳамда бурчак тамгаси йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҰИ томонидан 29.10.2007 йилда № 003287-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган “TRANSEL” МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома ҳамда бурчак тамгаси йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

ЧП “IDEAL MEGA PARKING” (ИНН 303174145) соообщает об изменении формы собственности на ООО “IDEAL MEGA PARKING”. Телефон: 918-48-84

Юнусобод тумани ТСРҰИ томонидан 22.06.2010 йилда № 005856-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган “MELOAZIMUT” (ИНН 301642624) МЧЖ тугатилади (жамиятнинг 01.07.2015 йилдаги 8-сонли мажлиси баённомасига асосан). Давво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Юнусобод тумани, 4-мавзе, 67-уй, 7-хонадонда қабул қилинади.

Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҰИ томонидан рўйхатга олинган “BORNА FURNITURE” МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамгаси йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

ООО “YANGI ZAMON FAYZ” (ИНН 302650400), зарегистрированное ИПСХ комимията Мирабадского района г. Ташкента за реестр № 006481-03 от 01.07.2013 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Янги Замон, дом-2, ликвидировуется (решение собрания учредителей, протокол № 1 от 30.06.2015 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 291-78-36.

ЎЗБЕКМАН

Буюк халқ ўғлиман, мақтансам арзир,
Борини айтмоқлик мен учун қарзидир.
Оқни оқ демоқлик инсонга фарзидир,
Фақат тўғри сўзлаб ўсган ўзбекман.

Дунё тарихида ўйгонган башар,
Аҳмад Фарғонийдан бошланган самар.
Ҳар қалбада ғуруру ифтихор яшар,
Боболари алқаб ўтган ўзбекман.

Тиббиёт тоқиеа йўл солди Сино,
Бўлмасин одамзот умри ҳеч адо,
Омонлик бор жойда қад ростлар бино,
Ҳаёт мавжларида оққан ўзбекман.

Дунёни ларзага солган Темурдай,
Самарқанд сайқалин берган Темурдай,
Боязит бош эгган Амир Темурдай,
Боболари мағрур бўлган ўзбекман.

Навоий ижодин бошга тож қилган,
Низомий достонин бир меҳроже билган,
Бобурий авлодлар Тоғжаҳал қурган,
Келажаги порлоқ буюк ўзбекман.

Абдулла МАДИЕВ.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги “GOLDEN MAX RAY” МЧЖнинг устав жамгармаси 100 000 000 сўмдан 15 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 651-47-30 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ООО “POYTAХT GROUP” (ИНН 206548447), расположенное по адресу: г. Ташкент, Учтегинский район, ул. ТХАЙ, 20, реорганизується в ЧП “POYTAХT GROUP”. Правопримеником ООО “POYTAХT GROUP” является ЧП “POYTAХT GROUP”

Юнусобод тумани ТСРҰИ томонидан 05.02.2014 йилда № 000778-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган “PROFI-LAIN” (ИНН 205290185) МЧЖ тугатилади (жамиятнинг 02.07.2015 йилдаги 1-сонли мажлиси баённомасига асосан). Давво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, Миялосова кўчаси, 57-уйда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маълумоти:
1000000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:
th.tp@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-56-03, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Навбатчи
Муқаддас ИСРОИЛОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУҲҲАЕВ